



Сайфи Саройи XIV асрда яшаб ижод килган туркий адабиёт вакилларида биридир. У адабиётимизда шоир ва таржимон сифатида ўз ўрнига эга.

Манбалардан маълум бўлишича, Сайфи Саройи 1321 йилда Камишли юртида тугилган. Камишли-Хоразмдаги кишлоклардан бирининг номи. Аммо у ном Волга бўйида ҳам кўп учрайди. У Камишлидан билимини ошириш учун Саройга келади. Сарой-Олтин Ўрда давлатининг пойтахтидир. Мухаммад ибн Арабшохнинг ёзишича, «Сарой тутган ўрни ва халкининг жуда кўп бўлиши билан энг катта шаҳарларнинг бириси эди. У фан марказига айланди. Оз вақти ичида бу ерда кўплаб атокли, машхур кишилар тўпланди». Улар орасида Кутбиддин ар-Розий, Маъсуд Тафтазоний, Камолиддин ат-Туркманий, Хофиз ибн Баззозийлар бор эди. Шунингдек, машхур шоир Камолиддин Хўжандийнинг ҳам XIV аср охирида Саройда яшаб ижод этганлиги яхши маълум. Шоир шу ерда яшаб турган даврида «Саройи» деган тахаллусини олган. Сайфи унинг исми бўлиб, «Килич» деган маънони билдиради. /Б.Тўхлиев. 9-синф. 189-190-бетлар/.

Сайфи Саройининг яшаб ижод қилиб ўтган даври тарихда Ўзбекхон ўгли Тинибек ва Жонибекларнинг ҳукмронлиги даврига тўғри келади. XIII асрдаги мўғуллар истилоси мамлакатни издан чиқарган эди. Бу босқин тўғрисида кўплаб кишилар қирилди. Кўплаб шоирлар ўзга юртларга кетиб қолди. Сайфи Саройи ҳам шулардан бири эди. У шундай ёзади:

Ўсиб тупрогим узра найзалар, мен эвдин айрилдим,
Ватандин бенишон ўлдимда, ўзга юртга эврилдим.
Нечун менга фалак жавр айлади, қандай гуноҳим бор?
Илоҳо айла кам жабринг, мен элга содик ул эрдим.

Демак, Сайфи Саройи Мовароуннаҳрда, Олтин Ўрда давлатининг пойтахти Саройда яшаб ижод қилган. Миср ва Туркияда ҳам яшаган. «Гулистон бит-туркий» китобидаги куйидаги мисралар шоирнинг Миср маликларида бирининг хизматида бўлганлиги, қариб қолганлиги тўғрисида ўз ватанига кетиш учун маликдан рухсат сўраганидан далолат беради:

Илохий бу қари мискин қулингни,
Бағишла кўргузуб тўғри йўлингни.
Маликлар расмидир дилшод қилмоқ,
Қариса қулларин озод қилмоқ.

Кари ёрли кулинг Сайфи Саройи,
Факиру бенаво лутфинг гадойи.
Ани лутфинг билан дилшод килгил,
Багишлаб ёзукин озод килгил.

Адиб тахминан 1396 йилда вафот этган.

Сайфи Саройининг ўзбек адабиёти тараккиётига кўшган хиссаси бебаходир. Ундан бизгача, бир канча газал, касида, китъа, рубоийлар, «Сухайл ва Гулдурсун» достони, «Синбонднома», «Гулистон» каби асарларининг эркин таржималари етиб келган. Булардан ташкари, Саъдий «Гулистон»и таржимасига киритилган оригинал шеърий парчалар, маснавийлар ҳам Сайфи Саройи каламига мансубдир. Шоир газалларида шакл ва мазмун бирлигини биринчи ўринга кўяди. Шоирнинг «Шоирлар таърифиди» деган маснавийсида ижодкорларга талабчан муносабатда бўлади:

Жахон шоирлари, эй гулшани бог,
Кими булбулдурур сўзда, кими зог.
Кими тўти тегин чайнар шакарни,
Кими лафзи билан ўртар дурарни.
Кимининг сўзлари мавзуну ширин,
Кимининг лойики таърифиди тахсин.
Кими ўзганинг ашъорин меним дер,
Кими хайвон каби шалгам чўпин ер.
Кими маъни тузуб вазнин тузотур,
Кими вазнин бузуб, санъат кузотур.

Сайфи Саройининг лирик шеърлари микдор жихатдан жуда оз. Девон тарикасида тартиб берилмаган. Бизгача ундан факат «Гулистони бит-туркий» асарининг кириш қисмидаги ва сўнгги варақларидаги «Кўнгул», «Топулмас», «Кўзларинг», «Таолаллох зехи сурат», «Ул юзи ой», «Янги ой», «Камар юзингдин», «Ерур», «Тутар», «Менингтеқ нечалар хайрон», «Кўринур» каби газаллари ва бир «Бахор тасвири» шеъри етиб келган. Шу шеърлар ҳам шоир шеърияти хақида маълум тасаввур уйғотади. Сайфи Саройи шеърларига назар солсак, мавзу жихатдан турлича эканлигини кўрамыз. Ишк-мухаббат, вафодорлик ва садокат мавзулари етакчилик қилгани холда, одамийлик, инсон кадр-қиммати, ижтимоий мавзулар ҳам учрайди. Шоир сўз ўйинларидан махорат билан фойдаланади. «Ерур» радибли газали бу жихатдан характерлидир:

Дилбаримнинг зулфи сунбул, чехраси гулзор эрур,
Бўйна ошиқ санубар, юзина гул, зор эрур.
Оғзи фистук, кўрки тангсук, ўзи мушфик ёр эрур,
Хуснининг чови Хитоу Чин ичинда бор эрур.
Асли алчин, сўзлари чин, кўзлари тотор эрур,
Минг яшар хар ким дудоги шарбатин тотор эрур...
Васфина Сайфи Саройининг иши ашъор эрур,
Андин ўзга бирла ошиққа емак ош, ор эрур.

Сайфи Саройи газаллари ўзининг охангдорлиги, содда ва ўйноқлиги билан ҳам

ажралиб туради.

Янги ойдур кошинг, эй кўрка бойим,
Килур таъзим юзунгни кўрса ойим.
Су ичканда дудогингдан су томса,
Битар канду шакар ул ерда дойим...

Шоир яхшиликни илгари суради. Ёмонлик килганга ҳам яхшилик кил дейди:

Ямонлик килган эрга, эзгулик кил,
Копар ит огзини лукма отадур.

Сайфи Саройининг бундай карашлари «Гулистони бит- туркий»да келтирилган байтларда ҳам кўринади.

Етганича кучинг кўнгул ёпкил,
Ким халойик сенга дуо килгай.
Тушган эр хожатин раво килсанг,
Хак сенинг хожатинг раво килгай.

Ёки:

Синдирур бўлса уриб олтин кадахни катта тош,
Синмас олтин киймати, ортмас бахоси тошнинг.
Сайфи Саройи шоир Хоразмийнинг табиат гўзаллигини мадх килган бир газалига назира тарикасида йигирма тўрт байтлик касида ҳам ёзган. Унинг бу касидаси Искандария хокимига багишланган. У бизгача етиб келган ўзбек тилида ёзилган ХИВ аср касидасининг илк намунасидир.

Сайфи Саройининг «Сухайл ва Гулдурсун» достони ҳам характерлидир. Бу дoston хакида манбаларда маълумот йўқ эди. 1966-67 йилларда фаргоналик Камолхон Султонов деган кишининг кўлида сақланган кўлөзма асосида у топилди. Бу кўлөзмада Сайфи Саройига замондош Туглихожа Хоразмий, Мавлоно Ишок Хоразмий, Мавлоно Ахмад Урганжий каби шоирларнинг бир канча газаллари берилган. Сўнггида Сайфи Саройининг икки байти, уч китъаси ва 82 байт-164 мисрадан иборат «Сухайл ва Гулдурсун» достони берилган. Бу лиро-епик асардир. Дoston асосида дунёвий ишк ётади. Севгида вафодорлик, мардлик тараннум этилади. Манбаларда кайд этилишича, дoston 1394 йилда ёзилган. Асар Низомийнинг «Хисрав ва Ширин», Навоийнинг «Меҳр ва Сухайл» асарларини эслатади. Дostonнинг кискача сюжети шундай: Амир Темур Урганчга хужум килади. Кўп киши асир олинади. Улар орасида Сухайл ҳам бор эди. Темурнинг кизи Гулдурсун Сухайлни кўриб севиб колади. Гулдурсун коровуларни маст килиб, Сухайлни банддан озод килади. Улар кочадилар. Сахрода очлик ва сувсизликдан Гулдурсун холсизланиб колади. Узок кишлокка сув излаб кетган Сухайл кайтиб келганда Гулдурсун вафот этган бўлади. Дахшатга тушган Сухайл шундай карорга келади:

Менга яхши букун ёр бирла ўлмак,
На лозим гам билан дунёда колмак.

У ўзига тиг санчади ва халок бўлади. Шамол бўлиб, уларнинг жасадини кумлар билан кўмади.

Сухайл ох урди, шу дам кўпди бўрон,
Анингтекким, бузулди чархи даврон.
Алар узра тўкилди, кўмди тупрок,
Бу сирни танхо сахро билди кўпрок.

Сайфи Саройининг булардан ташкари, Саъдийнинг «Гулистон» асарини таржимаси хисобланган «Гулистони бит-туркий» асари ҳам етиб келган. Олимларимизнинг кайд этишича, хижрий 793, мелодий 1390-91 йилларда таржима килинган бу асар форс-тожик шоири Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» асарининг ўзбек тилидаги энг биринчи ижодий таржимасидир. Саъдий бу асарни 1258 йилда ёзган эди.

Сайфи Саройи «Гулистони бит-туркий» асарининг жахон бўйича бирдан-бир нусхаси Лейден университетининг кутубхонасида сақланмоқда. Бу кўлёманинг фотонусхаси Москва ва Тошкентда ҳам сақланмоқда. Фарғонада топилган «Ёдгорнома»да бор.. Сайфи Саройи «Гулистон»нинг асосий магзини олиб уни ўз замонаси руҳини акс эттирувчи янги хикоятлар, китъа ва байтлар билан тўлдириб, она тилида халкига тақдим этади. Сайфи Саройи «Гулистон»идаги хикоятлар куйидаги бобларга бўлинган:

Биринчи боб-султонлар хақидаги хикоятлар.

Иккинчи боб-факирлар ахлоқи хақидаги хикоятлар.

Учинчи боб-каноатнинг фойдаси хақидаги хикоятлар.

Тўртинчи боб-сукутнинг фойдаси хақидаги хикоятлар.

Бешинчи боб-ишқдаги йигитлик сифати хақидаги хикоятлар.

Олтинчи боб-кариликдаги заифлик сифатлари хақида.

Еттинчи боб-тарбиянинг таъсири хақида.

Саккизинчи боб-сухбат одоблари хақида.

Хар хикоятнинг охирида масал ёки фалсафий чекинишлар мавжуд. Масаллар, тўртлик, байтлар шоирнинг мулохазаларини тасдиқлаш учун хизмат килган.

Асардаги хикоятлар мавзулари ранг-баранг бўлганидек, образлар ҳам хилма-хилдир.

Шохлар, вазирлар, амалдорлар, рухонийлар, олимлар, хунармандлар, дехконлар, дарвешлар, ўғрилар, пахлавонлар, савдогарлар ва бошқалар. Шартли тарзда номлануви «Асир, подшо ва вазир» хақидаги (асир подшони сўкиши, икки вазир икки хил талкин этиши), («Подшо ва уч ўғли») кичик ўғилнинг кўримсиз, аммо жасурлиги), «Малик, кул ва кема», «Нўширавон ва кийик овлаш», «Тош билан боғлик хикоят», «Пахлавон ва шогирди» (шогирднинг хиёвати ва 360 усул), «Пахлавон ва сўкиш», «Ўғри, шоир ва итлар» каби хикоятлар характерлидир.

Умуман, «Гулистони бит-туркий»даги хикоятларни ўқиш, ундаги мазмун ва мохиятни англаш, хикоятлардаги кизикарли тасвирлар хар бир ўқувчини ўзига ром эта олади.